

Серсоя манзарали ўсимлик - *Catalpa bignonioides* ни уруғидан кўпайтириш

Д.Р.Аннамуратова
dannamuratova@mail.ru
О.А.Матёкубов
Урганч давлат университети
М.Т.Рахманова
И.А.Бахберганова
Урганч тумани 18-мактаб

Аннотация: *Catalpa bignonioides* ўсимлигининг уруғ унувчанлиги ва уруғидан кўпайтириш йўллари аниқланди. Онтогенезининг дастлабки босқичлари ўрганилди. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Калит сўзлар: *Catalpa bignonioides*, уруғ, ивитиш, скарификация, стратификация, полиэтилен, ҳарорат, тупроқ, унувчанлик.

Propagating by seeds of *Catalpa bignonioides* - a shady, ornamental plant

D.R.Annamuratova
dannamuratova@mail.ru
O.A.Matyokubov
Urgench State University
M.T.Raxmanova
I.A.Baxberganova
Urgench district School №18

Abstract: *Catalpa bignonioides* the germination of plant seeds and the methods of seed propagation have been determined. The early stages of ontogenesis have been studied. Grown as an ornamental plant.

Keywords: *Catalpa bignonioides*, seeds, soaking, scarification, stratification, polyethylene, temperature, soil, germination.

Республикамизда аҳолининг қурилишбоп ёғоч ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, аҳоли яшаш жойлари, дам олиш масканлари, корхона ва ташкилотлар худудларини кўкаламзорлаширишда манзарали, атроф муҳитга ижобий таъсир қилувчи, хом-ашё тариқасида юқори

самара берадиган дарахтларни кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бунда ҳар бир дарахт турини ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитини ҳамда дарахтларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танлаб экиш керак.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида ҳам глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи ҳалокатининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш вазифаси қатъий равишда белгилаб берилган [1].

Шаҳар шароитида ўсимлик дунёсининг саломатликни сақлашдаги роли бебаҳолигини кўпчилик яхши билишади. Ўсимлик дунёси дарёларимизнинг серсувлигини, ерларимизнинг намлигини сақлашда, ер кўчишининг олдини олишда жуда ката аҳамиятга эга. У – ҳайвонот дунёсига бошпана, инсон ва ҳайвонлар учун озиқ-овқат манбаи, аҳоли учун ҳордиқ чиқарадиган сайлгоҳ. Ҳаёт учун бебаҳо кислород ишлаб чиқарувчи фабрикадир. У атмосфера ҳавосини тозалаб берувчи филтр вазифасини ўтайди. Жумладан, 1 га каштан дарахти ҳаводаги карбонат агидриднинг 100 фоизини шимиб олади десак, баргли ўрмоннинг 1 гектари 12 фоизни, жўка дарахти 250 фоизни, дуб 450 фоизни, терак дарахти 700 фоиз карбонат ангидрид газини шимиб олади. Автомобиллар кўп бўлган йирик шаҳар ва маҳаллаларда дарахтзорнинг кўплиги ҳавони турли зарарли чанг ва газлардан тозалашга имкон яратади [4].

Адабиётларда келтирилишича, бир гектар қора қарағай шох-шаббалари йил давомида 32 тонна чангни ҳаводан ушлаб қолади, қайрағочли дарахтзорлар 35 тонна, дуб 54 тонна, қора қайин дарахти 68 тонна чангни ушлаб қолади [2].

Манзарали ўсимликларнинг кўпайтиришнинг энг кўп тарқалган усули-уруғдан кўпайтиришдир. Уни гулли ўсимликларнинг янги навларини ҳосил қилишда, бир йиллик, икки йиллик, бир қатор ўтсимон кўп йилликлар ва мавсумда гулловчи ойнавон иссиқ бино ҳамда хона ўсимликларни етиштиришда қўлланилади [3].

Уруғларни тайёрлашнинг асосий усуллари:

Уруғларни дорилаш-ўсимлик кўчатларини касалликлардан асрайди у қуруқ ва нам бўлиши мумкин. Қуруқ дорилаш учун одатда *гранозан* препарати ишлатилади. 1кг уруғни дорилаш учун 1 г препарат етади. Экишдан 3-5 соат олдин уруғларга препарат сепилади ёки аралаштирилади.

Уруғларни термик қайта ишлаш ўсимликлар турларига кўра 50-55⁰С иссиқ сувда 2 соатдан 12 соатгача ўтказилади.

Ивитиш - хушбўй нўхат, настурция, аспарагус ва бошқа ўсимликлар уруғи тез униб чиқиши учун уларни экишдан олдин 1 кун давомида 20-30⁰С ли сувда ивитиб қўйиш зарур. Сўнг уруғлар салгина қуритиб экилади.

Музлатиш - уруғлар униб чиқиш даврининг қисқартириш ва ўсимликлар яшаш фаолиятини яхшилаш учун амалга оширилади. Уруғни яшиқларга жойлаб ўралади ва қорга кўмилади, улар бу ҳолда эрта баҳоргача қолдирилади.

Иссиқ ҳавода қайта ишлаш - уруғ қатламларини дорилаш ва иситиш. Бу усул уруғларнинг униш энергиясини оширади.

Скарификация - қалин сиртли уруғ қатламини шикастлашдир. Шикастланган қатламдан куртакка сув бир зумда ўтади ва уруғ тезроқ униб чиқади. Механик шикастлашда уруғларнинг қаттиқ қатламини эҳтиёткорлик билан куртакка зарар этказмасдан аррланади, кесилади, ёрилади, уруғларни йирик қум ёки шағал билан ишқалаб шикастлайди. Шойигул билан акконит ва бошқа ўсимликларни қийин кўкарувчи уруғларини қайта ишлашда олдин музлатилади, сўнгра уруғ қатлами ёрилгунча устидан бир неча марта қайнаган сув қуйилади. Шундан сўнг куртакка намлик осон киради ва тез униб чиқади. Кимёвий таъсир кўрсатишда уруғ қатламига 2-3 % ли туз ёки олтингугурт кислотаси эритмаси ёрдамида таъсир кўрсатади.

Стратификация - уруғларни бир неча ой давомида паст ҳароратда сақлашдир. Стратификациядан олдин уруғларни нам қум, торф, янчилган мўйна билан 1/3 нисбатга аралаштирилади. Сирти қаттиқ уруғлар стратификация қилинади. Агар стратификация учун махсус хоналар мавжуд бўлмаса уруғли яшиқлар қорга кўмилади. Кеч кузда очик ерга уруғ сепиш яхши натижа беради, бунда уруғ стратификациясиз табиий шароитларда кечади [2].

Ерни тайёрлаш - ер ҳайдалаётган ёки култивация пайтида ўғит тўлиқ солинмаган бўлса, у ҳолда жўяк тортиш давомида 1м² ерга 30-50 г суперфасфат, 20-30 г аммиак селитраси ва 10-15 г калий тузи берилади. Уруғ яхши шамоллатилган торф, қум ёки чириндилар билан кўмилиб беркиталади.

Ўсимлик кўчатларини парваришлаш - вегетация даври кўпгина манзарали ўсимликлар, очик ерга экилганда мамлакатимиз ўрта минтақасининг қисқа ёзи давомида гуллашга улгурмайди ёки жуда кеч гуллайди. Бундай ўсимликларни етиштиришда гул кўчатларини тайёрлаш талаб этилади. Бунинг учун уруғлар яшиқ ёки саёз идишчаларга сепилади, бошқа жойга кўчириб ўтқазилган кўчатлар эса кейин кўчат қилгунча иссиқхонада сақланади. Кўчатлар етиштиришда тупроқ ҳар доим юмшоқ бўлиши, вақтида суғорилиши ва бегона ўтлардан тозаланиши лозим ([Http://members.lycos.](http://members.lycos.)).

Catalpa bignonioides ўсимлиги уруғлари ёки қаламчалари ёрдамида кўпайтирилади. Хоразм шароитида *Catalpa bignonioides* ўсимлиги уруғлари экилганда, унувчанлигини ошириш мақсадида уруғларни илиқ сувда 7-12 соат бўктирилди. Ўсимлик уруғлари икки вариантда, полиэтилен остида февралнинг охири ва очик тупроқда эрта баҳорда яъни март ойининг биринчи ўн кунлигида 2-3 см чуқурликда устидан юпка тупроқ сепилиб экилди.

Тажрибанинг биринчи варианты полиэтилен остида, ҳарорат 18+20 бўлганда уруғлар 15-19 кундан сўнг униб чиқди. Тажрибанинг иккинчи вариантыда яъни очик тупроқда ҳарорат +13-14⁰С бўлганда 21-26 кундан сўнг уруғлар униб чиқди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам уруғлар доимий равишда суғорилиб турилди ва полиэтилен қоплам вақти-вақти билан очилиб турилди ҳамда ташқи муҳитга секин аста кўниктириб борилди. Уруғлар униб чиққандан сўнг полиэтилен қоплам олиб ташланди. Ўсимлик уруғлари полиэтилен билан ёпилганда 96-99%, очик тупроқда экилганда 67-77 % унганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра ўсимлик уруғларининг унувчанлиги полиэтилен қоплам остида очик тупроқдагига қараганда юқорироқ бўлди.

Россияда дарахт ва бута ҳаётий шаклдаги ўсимликларни 90% га яқини уруғ ёрдамида кўпайтирилади. Бу усул кам харж ҳисобланади. Уруғдан ўстирилган ўсимликлар, узоқ йил яшаш хусусиятига эга. Мустаҳкам илдиз тизимини ҳосил қилади, кўчириб ўтқазилгани ҳам яхши кўтаради. Ўсимликларни интродукция қилишда уруғдан кўпайтириш яхши натижа беради ([Http://www.csd1.](http://www.csd1.)).

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎзР Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида”ги фармони.
2. Белов С.В. Лесоводство Москва “Лесная промышленность”.1983.270 с.
3. Прокопьева Л.В. Фитоценология. – Йошкар-Ола, 2009. – 128 с.
4. Хонназаров А.А. Ўрмончилар учун қўлланма Тошкент, 1992. 130 б.

References

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. PF-4947 "On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan".
2. Belov S.V. Forestry Moscow “Forest Industry”. 1983.270 p.
3. Prokopyeva L.V. Phytocenology. - Yoshkar-Ola, 2009. -- 128 p.
4. Khonnazarov A.A. Ormonchilar Uchun Allanma Toshkent, 1992.130 b.